

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 31 январ чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 22 (2584)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг Газетаси

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

## Ҳамкорлик давом этади

Брюсселда «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири А. Комилов раислик қилган ялпи мажлисда томонлар Ўзбекистон ва Европа Иттифоқида айна пайтдаги сиёсий воқеалар ривожини муҳокама қилди. Алоҳида эътибор савдо-сотиқ учун бизнес иқлим ва республикамизга Европа сармояларини жалб этишга, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига қаратилди.

Жумладан, Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини муҳокама қилиш чоғида томонлар гёвҳанд моддаларнинг тарқалиши, халқоро терроризм ва экстремизм билан курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларида эътибор қаратишди. Мажлисда Европа Иттифоқи делегациясига раҳбарлик қилган Швеция ташқи ишлар вазири А. Линд мамлакатда демократик янгилашларнинг таъминлаш, жумладан, Ўзбекистон фуқаролари ўз диний эътиқодларини эркин ифода этишлари юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларни Европа Иттифоқи делегацияси номида қўллади. Республикада суд тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган сайёҳаракатлар ижобий боҳоланди.

катларнинг Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, жумладан, сиёсий мулоқотни ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни давом эттиришга бўлган интилишларни тасдиқлади. Европа Иттифоқи вакили К. Дей Ҳамкорлик кенгашининг 1999 йил сентябр ойидаги биринчи мажлиси ўтганидан буён Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш, биринчи навбатда, валюта ва савдо сиёсатини экрнлаштиришга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар қабул қилинганлиги баён этди. Европа Иттифоқи делегацияси мазкур тўғрисида бундан буён ҳам институционал янгилашларни рўйбга чиқариш, ўтиш даври ижтимоий оқибатларини ҳал қилиш ва қишлоқ ҳўжалиги районларида иқтисодий ривожлантиришга қўмаклашишни билдирди. Мажлис натижалари

бўйича қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилганидек, Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар жараёнини жодллаштириш йўлидаги навбатдаги омил бўлди. «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгаши доирасида А. Комиловнинг Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Крис Паттен билан учрошуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида К. Паттен Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва уни янада ривожлантириш учун Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг борча механизми шга солинганини қайд этди.

ЕИК комиссари Ўзбекистоннинг Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини амалга оширишда ТАСИС дастури доирасида қўмак кўрсатишга тайёр эканини билдирди. Шунингдек, комиссар К. Паттен гёвҳанд моддалар транзити, хусусан, унинг Афғонистондан Ўрта Осиё орқали олиб ўтилиши Европа Иттифоқини жиддий ташвишлантираётган ва шундай ҳўжага қўлавердиган масала эканлигини баён этди.

«Жаҳон» АА.



— Бобо, бизнинг борар йўлимиз юксак!

Раҳмонли АКБРАЛИЕВ сурат-наҳаси.

## ГЕН ИНЖЕНЕРИЯСИ — ГЕПАТИТГА ҚАРШИ

Фан ва техника давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармасаноат» давлат акционерлик концерни ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорликда кўшма йиғилиш ўтказилди. Унда республикада гепатитнинг В шаклига қарши диагностика препаратларини ҳамада вакцина ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир инновация лойиҳаларини

амалга ошириш якунлари муҳокама этилди. Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик П.Ҳабибуллоев йиғилишни очар экан, аҳоли саломатлигини яхшилаш жамияти олдда турган муҳим вазифалардан бири эканлигини қайд этди. Бугунги кунда республика соғлиқни сақлаш тизими тўқнаш келаётган муаммолар орасида ви-

русли гепатит билан касалланиш юқори даражада эканлиги алоҳида ўрин тутади. Гепатитнинг В шакли ўзининг тарқалиш кучи ва асоратлари билан энг хавфли ҳисобланади. Статистика маълумотларига кўра, ушбу хасталикдан ўлиш ҳолатлари инсон ҳаётининг энг фаол даври — 15 ёшдан 49 (Давоми 2-бетда).

## Ташаббус гуруҳининг йиғилиши

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Исло Каримовнинг мазкур гуруҳ аъзолари билан учрашува сузлаган нутқидан кейин чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Сузга чиққанлар Юртбошимизнинг нутқи жойларда қўли билан ўрганилаётгани, қизгин баҳс ва мунозаралар уйғотаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг бошини қовуштириш, эзгу мақсадалар йўлида бирлаштириш, уларнинг орзу умидлари ва дунёқарашини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида қомил инсон этиб тарбиялаш, ўз салоҳиятига тўғри баҳо бериши ва истеъдодини рўйга чиқариши учун зарур шароит яратишнинг даврини ўзи тақозо этмоқда.

Анжуманда ана шундай кенг қамровли масалаларни ҳал этишга даъват этилган ижтимоий Ҳаракат ташаббускор гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Унинг раҳбари, уринбосарлари, котиби сайланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми ва Дастури лойиҳалари муҳокама этилиб, асос учун қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ёшлари ўртасида Дастур ва Низом лойиҳалари муҳокамасини ўтказиш, билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Йиғилишда, шунингдек, ижтимоий Ҳаракатнинг иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

(ЎзА)

## Дастурлар чоп этилади

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ёш авлодининг ҳўқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун комиссия таркиби тасдиқланди, нобдавлат ташкилотлар, маҳаллалар ва ўзини ўзи бошқарув органлари ишчи гуруҳлари раҳбарларининг дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқув услубий кўрсатмалар ҳамда дидактик воситаларни тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди, ишчи гуруҳлари фаолияти ҳақида қарорлар қабул қилинди. Айна лийтада таълим йўналишлари бўйича дастурларни қўриб чиқиб, чоп этишга руҳлат берилди. Таъйинланган барча маълумотлар Тошкент Давлат юридик институтига топширилди. ТДЮИ комиссия учун маълум муассаса қилиб белгиланди.

Ш. РИХСИЕВ,  
ТДЮИ нашриёт бўлими ходими.

## Ҳайъат йиғилиши

Давлат божхона қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда божхона органларининг 2000 йил давомидаги тезкор хизмат фаолияти якунлари, шахсий тарқиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни риоя қилиш аҳоли ҳамда 2001 йилда божхоначилар олдига турган долзарб вазифалар кўриб чиқилиб, таҳлил этилди. Маълум бўлишича, 1997 йилда давлат бюджетига ўтказилган маблағ 3 миллиард сўмини ташкил этган бўлса, ўтган йили давлат бюджетига ўтказилган маблағ қарийб 80 млрд сўмини ташкил этди ва белгиланган истиқбол режаси ортиси билан барқарорли. Йиғилишда 2001 йил давомида шахсий тарқиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни риоя этишдаги айрим камчиликлар тўғрисида сўз юритилган экан, қадарларни танлаш ва тайёрлашга доимий эътиборни қаратиш, шахсий тарқиб орасидаги қўнун бузилишларни, порахўрлик, тамағирликка қарши аёвсиз кураш олиб бориш шартлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

## Тракторчидан чиққан тадбиркор

Олтисой туманидаги Мўминқул қишлоғида яшовчи Хуррамбой Расуловнинг асли касби тракторчилик ва шоферлик. У мустақиллик шароити билан йил «қуд» — тадбиркор бўлиб, «Ширин» ширкет ўзлаштириб 9,5 гектар тоқорин ижарага олиб, бир ишлаган эки йил охирига бориб тезкор-атрофдаги ижарачиларга нисбатан энг кўп — 80 тонна узум ҳосили ештириди. Бунинг пулга чақадиган бўлса, 4 миллион сўм, демакки, Миллионлар билан муомала қилаётганидан ижарачининг кўнгли тоғдай кўтарилди кетди. Хуррамбой тўрт тонна майиз тайёрловди. Унинг савдосидан ҳам талай даромад оламан, деб ўйловди. Лекин 2000 йилда Олтисоида узум ҳосили мўрқор бўлиб, майизнинг нархи бир қадар тушди. Ижарачи бундан хавфа эмас. Яхши меҳнат қилинса, арзончилик бўлишини, марҳамат, бошқалар бизнинг тажрибамиздан кўриб, билиб олсин, дейди Хуррамбой Расулов.

О.УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Даромадга қараб буромад

Фаллаоролдаги «Паррандачилик» ҳиссадорлик жамияти ўтган йилда 40 миллион сўм соф фойда билан якулади. Фабрикада 14 миллион дона туҳум, 75 тонна парҳез гўшт тайёрланди. Маҳсулот тайёрлаш ҳамда олинган йилда нисбатан 1,5 баравар ортди. Ҳиссадорлик жамияти янги йилдан бошлаб ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ошириш чораларини кўрмоқда. Даромадга қараб буромад, деганлардек ишчилар учун бепул тушлик ташкил этилди, бочча пули ҳам жамият ҳисобидан тўланмоқда.

Йўлчи Жўра,  
ЎзА мухбири.

## Тўрт рисола тақдимоти

Кеча Миллий матбуот марказида шифокорлик ва ижодкорликни баб-барар олиб бораётган Уктам Мухаммад Муроднинг соғлом авлод, соғлом турмуш тарзида бағишланган рисодаларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда ижодкорлар, шифокорлар ва мухлислар ўзларининг рисодалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, тақлифлари ва тасаввурларини билдирдилар. Тақдимот маросимида рисодаларнинг уч асосий хусусияти, яъни сўз ва амал бирлиги, амалиёт билан назариянинг уйғунлиги ҳамда рисодаларнинг шарқона ва руҳий жиҳатлари алоҳида қайд этилди. Бу рисодалар, айниқса, бугунги кунимизда — соғлом авлод, оналарнинг ва болаларнинг соғлиғини учун қайтарганидир. Бир пайтимида ноҳақлиқда мўҳим ва зарурини ҳам шифокорлар-мухлисларнинг ҳам ижодкорлар томонидан бир неча бор тўқилиб келишган ушбу рисодаларни жамлаб, бир тўплам шаклида қайта навар этиш ҳақидаги фикрларини йиғилганларнинг кўнчилиги қўллаб-қувватладилар.

Ўз мухбиримиз.

ШУ КУННИНГ ГАПИ

## ВАТАН ЯҲОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

### ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ва Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига атаб

### «ВАПАЯН ЯҲОНАДИР, ВАПАЯН БИТТАДИР»

мавзусида республика ижодкорлари танловини ўтказди. Унда ўзбекистонлик ҳар бир ижодкор миллий мустақилликни, эркин ҳаётини шакллантириш, замонавий қаҳрамонларни ҳамда ёшларимизнинг жамиятдаги ўзини белгиловчи омиллар, Ўзбекистоннинг маданияти, мамлакатимиз ҳалқ ҳўжжатидаги барча соҳаларида ун йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар самараси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳаётимиздаги ўзгаришлар ва янгилашлар ҳақида ўз

Публицистик, танқидий-тахлилий мақолалар, очерклар, дoston ва ҳикоялари ҳамда фотосуратлари билан қатнашиши мумкин. Энг яхши деб топилган асарлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилади.

Ҳалиқлар қўйидаги муқофотлар билан тақдирланадилар:

Битта биринчи муқофот — компьютер.

Иккита иккинчи муқофот — иккита телевизор.

Учта учинчи муқофот — учта видеомагнитофон.

В бешта рағбатлантирувчи муқофот — қиймати 50 минг сўмдан зиёд бўлган қийматбаҳо совғалар.

Танлов жорий йилнинг 20 августидан якунланади. Танлов голдларига муқофотлар 1 сентябр — республика мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида топширилади. Мурожат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-57-34, 133-10-28, 133-14-29.

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА.

Ўтган ҳафтада халқ ва жамият олдидан энг катта масалалардан бири кўрилади. Агар шу долзарб мавзун кижда-ким бу меннинг ўғил-қизим, келажик тақдирига дахлдор деб қарамаса, янгилашади. Қувонинг керак, шукур дейиш керак, шахсан Президент фарзандларимиз эртаси билан қай-қай-қай, уларнинг тарбияси учун жавобгарлигимизни эслатиб қўйишлар ва бу масала яна бир бор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бизнинг ўз шаън-шавкатимизни улуғлаб, озолигимизни асраб қолиш, керак бўлса, ҳаёт-мамотимизни сақлашимиз билан боғлиқ ҳодиса. Шу йиғин ёшларимиз, оиламиз, болаларимиз қисмати, қолаверса, биз катталарнинг ҳам эртанги кунга ёруғ юз билан боқимизни учун муҳим аҳамияти бор тарихий бир воқеалиқдир. Қайсики жамиятда, қайсики давлатда келажикни эҳтиёт қилайлик, тўғри тарбия берайлик, ёш-авлодага эътибор қаратайлик, шулар бизни ва мамлакатимиз довуруғини оширадди. Ватанинг қудрати ва гуллаб яшашини изимиздан келатганлар қўлида деб қаралса, энг муҳими, бу масала давлат раҳбарининг диққат-эътиборида турса ва бунга ҳаётий ёндашилса, уша миллатнинг ичида бирлик, бирдамлик этилади. Бу миллат ҳар қандай синовларга бардош бераолади, тарих саҳнасидан ўзини асраб қолаолади, бани башарият учун ҳавас қиларли даражада камол топади.

XXI асрнинг дастлабки оинда рўй берган бу ҳодиса, яъни 24 январ кунин Тошкентда ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган нуфузли йиғинда, айтиш жоизки, Ўзбекистонимизнинг эртаси, келажиги, бел-

гилаб олинди. Хур ва гўзал мамлакатнинг асрларга тааллуқли тараққиёти асосли кўрсаткичи бўлди. ЎзТБ орқали ушбу йиғилишни қузатган, матбуотда Юртбоши маърузасини ўқиган ҳар бир ўзбекистонлик, ўзини танитган одамнинг бо-нинда бир ўй кечди: давлат меннинг фарзандим учун қай-қай-қай, унинг одам бўлиши, қалби соф, фикри ўткир бўлиши, менга ва юртимга доғ туширмаслиғи борасида шахсан

дим. Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашува сузлаган нутқининг асосида ҳеч биримиз келажик авлод тарбиясида ўзимизни айро ҳис қилмаймиз, бу йўлда ҳаммамиз бир жону бир таннимиз, деган даъватни англаб етдим. Ўзбекистон заминидан унинг-ўсаётган, тарбия топаятган бешикдаги гулдакдан тортиб, ҳаёт оstonасида турган

истикдолошимиз, тараққиётимиз, ўзини ўнглаб адолат йўлида собит қадам ташлаётган Ватанимиз оғурусини кўрмоқчи бўш душманлар уларнинг эркин гоёларни, алдовлари эвазига ёшларимиз оинини захарлашга уринаётгани бор гап. Шундай экан, биз катталар келажигимиз — фарзандларимизни ўз қанотини остига ола билмасак, дўст ким, душман ким ажаротолмасак, хўшёрликни унутмасак, эзгу ниятларимиз, ёруғ мақсадаларимиз йўлида дуч келамиз.

Мен ўғлимга суянаман. Унинг иродаси, менга таяниб бўлиши эса мен берган тарбияга боғлиқ, Бугун мен фарзандимни турли-туман ёвузликдан озикланган гоёлардан асрай олмасам — ўз илдишимга болта урган бўлсам, қадим аждодларимизнинг кўзига оёқ қўйиб, уларнинг пок рўҳини топганга бўлиб чиқаман. Ҳар биримизнинг хондонимизда миллат ўлоңлари билан ўғилларимиз, миллат шайни ва ор-номусини асрагувчи, ҳаётнинг гуллари, миллатнинг бардавомчилари бўлган қизларимиз улаймоқда. Уларни шу Ватанга солиқ, озолик йўлида жонини фидо этишга шай, шерқор, ҳар қандай манфаддан Ватан тимсолонини устун қўрадиган, ай, шу ўзининг кўпайтур, меннинг болам бўлади, деб баралла айтишимиз мумкин даражада қомил ва қомилга этиб тарбияласак бас.

Шунда биз Ўзбекистон тизини оқлаймиз. Қўчқор НОРҚОБИЛ.

## Новда синса илдиз зирқира

Президент куйинчалик билан ташаббусни қўлга олаётпти. Хўш, биз ота-оналар ўз фарзандимизни нечоғлик арзанда билмайлик, улар бир кун келиш шў юрт, шў тулроққа муносиб равишда улгайдими, иснод утида куйдирмайдими, деган саволлар уйғонгани, табиий.

Очиги, кўпчилик хўшёр тортди. Баъзи бировларнинг ўй-тасаввури ярқ этгандай бўлди. Оталар ўзим қандайман, мендан болам нимани ўрناк олади, деган ўйга борган бўлсалар, ажаб эмас. Оналар меннинг оиламда тарбия муҳити борми, деган ҳаёдан ўларнинг имтиҳон этган бўлишлари ананқ.

Ота хўшёр ва қатъийли, она хўшўқ ва ораста бўлмаса, фарзанд камолоти хусусида ўйлаб-қўқилганга тўғри келадди. Мен мазкур йиғинни диққат билан қузатиб, биз катталар ҳам ўзимизга яраша хўласалар чиқариб олишимиз зарур экан, деган фикрга кел-

Усмирғача миллат тимсоли, истикдоло қалқонци, Президент йўлининг давомчиси... Демак, бизнинг бу масалада чегга чиқиб қолмиша ҳаққимиз йўқ. Агарким ён-атрофимизда, маҳалламизда ноҳўжа хатти-ҳаракатлар содир эътаётган бе-зори ўғлонин кўриб-кўрмавликка охсам, менга нима, йўлда солгувчи ота-онаси бор-ку, деб қўл силтасак, жамият дарҳитини бир нондасиниб ту-шаётганига бефарқ қараган бўламиз. Ахир бу новда миллат деган теран томирдан озиқ-дониб, мева бериши, барг ёзиб, барқ уриб гуллаш мўркин эди-ку... Ҳаётимиз бусто-нинг кўрк бериши лозим эди-ку... Биз бунга бефарққимиз билан миллатга, ҳаётнинг бардавомчилиғи, эзуликка нисбатан ҳиёбат қилган бўламиз. Адашганин йўлга солимоқ, қалдизга таянч бўлиш, тўғри йўлни кўрмасмоқ бугун инсоний фаолиятимиз бўлиши билан бир-бирликда бурчимиз ҳамдир. Ра-зил ният ва мақсадалар билан



Учқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқинда ажойиб совға олдилар. «ХРУЕ-НИС» ва «ТАРХ» корхоналари қурувчиларининг сазой-ҳаракати билан инспекциянинг муҳташам ва кўркам биноси қад ростлади. Бу ерда барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир солиқчи учун алоҳида компьютерлар ўрнатилган. Бу ўз навбатида ходимларнинг иш самардорлигини оширмақда.



СУРАТЛАРДА: янги бино кўриниши; инспекциянинг солиқ тушувларини бюджетга ундиришни назорат қилиш ва таҳлил этиш бўлими ходими Икромжон Пулатов вилоят кишлоқ ичимлик сув таъминоти ҳиссасдорлик жамияти Учқўрғон туман бўлими бошлиғи Муҳаммадали Абдурахмонов билан.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ олган суратлар.

**ЮТУҚЛАР СЕЗИЛАРМИ, АММО АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА**

Тошкентда Ўзбекистон миллий Олимпия кўмитасининг Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда МОКнинг 1996 йилдан 2000 йилгача бўлган даврдаги фаолияти муҳокама қилинди.

Анжуман иштирокчиларини қутлар экан. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов шунга қайд этдики, давлатимиз раҳбарининг мунтазам эътиборидан руҳланган спортчиларимиз ўтган давр мобайнида 33 та жаҳон чемпионатида, 18 та Осиё чемпионатида, 16 та Жаҳон кубогига мусобақасида ва 33 та бошқа йирик халқаро мусобақаларда қатнашиб, катта муваффақият қозонишди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг самарасидир.

Айнан шу даврда Президент Ислам Каримовнинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсда спорт ва олимпия ҳаракати ривожига қўшган улкан ҳиссаси юксак баҳоланди. Ислам Каримов камдан-кам давлат раҳбарлари мушарраф бўладиган юксак мукофотлар билан тақдирланди — 1996 йилда Халқаро Олимпия кўмитасининг Олтин ордени, 1997 йили Осиё Олимпия кенгашининг Олтин орденига сазовор бўлди.

— Ҳисобот даврида мамлакатимиз спортчилари 585 та медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди, — деди ўз маърузасида Ўзбекистон МОК президенти Собир Рўзиев, — уларнинг 182 таси олтин, 199 таси кумуш ва 214 таси бронза медалидир.

Бу рақамлар нафақат спортчиларимизнинг, балки ўттиз даври қийинчиликларига қарамай, иқтидорли спортчилар учун зарур моддий-техник база ва шарт-шароит яратиш бераётган мамлакатимизнинг ҳам ютуғидир.

Ассамблеяда таъкидлаштирилган, янгиликлар кенг ёйилиши вилоят кишлоқ ҳужалик корхоналари иқтисодиётининг ўнгирилган эриши бўлиши мумкин.

Тўғри, ўн беш кунлик ўқув жараёнида кўп нарсани ўзлаштириш қийин. Аммо у ўз устида ишлашни унутган, янгиликларга беъэтибор, «қотиб қолган» айрим мутахассисларга яхшигина туртки бўлиши, бизор иқтисодиётдан сабоқ бериши, шубҳасиз.

Чорн ТўХТАЕВ,  
Ў.А. мухбири.

**Конституция менинг тақдиримда**

**Тарбиянинг торлари нозик**

Болаликдан қолган таассуротлар бир умрликдир. Бу ҳақда Жан Жак Руссо шундай деган эди: «Ҳар бир кейинги тарбиячи, бола тарбиясига олдинги тарбиячига қараганда, камроқ таъбир кўрсатади». Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган Президент Фармойишида келажак авлодда ҳуқуқий онгини шакллантиришни айнан мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш таъкидланган. Бу ҳам тарбияни бошидан бошламоққа нақадар ҳаётий зарурат эканлигини аниқлатади. Бирок...

Тарбиянинг торлари нозик. Навиҳоддай парваришга муҳтож болаларни қизиқтирадиган бир йўсин топилса-ку, хўп-хўп. Аксинча, болалар зерика бошлайди, қизиқиб ўрганиш ўрнига ундан безиб қоладилар. Тарбиячи вақтини беҳуда сарфлайверади... Хўш, Конституцияни ўрганишни қандай ташкил этиш керак?

Биз болаларнинг «тиliga тушуниб қолган» тажрибали ўқитувчи-мураббийларнинг бу борадаги фикрларини сўрадик.

**Зулайхо Исабоева — Тошкент шаҳар, Юнусов туманига қарашли 156- сонли болалар босчаси мудири:**

— Мазкур Фармойиш чиққандан кейин, биз — тарбиячилар малака ошириш институтида ташкил этилган ҳафталик курсда билимларимизни ошириб, тажриба алмашиб келдик. 4-5 ёшдан болаларда фикрлаш қобилияти пайдо бўла бошлайди. Биз қўллайдиган тадбирлар болаларнинг ана шу қобилиятини аста-секин шакллантириб, ривожлантириб боришимиз лозим. Албатта, бу тарбиячидан катта маҳорат ва билим талаб қилади. Катта ва таъбирлов гуруҳлари болаларига Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, моддаларининг ҳаётий заруратини соддаштирган ҳолда ва болаларнинг ўз иштирокида ифодали кўрсатиш ўрнини бўлади. Масалан, биз Конституциянинг 5- моддасига асосланган саҳна кўринишини тайёрлашимиз. Тасаввур қилинг,

мадҳиямиз садолари остида ўнг қўлини кўксига қўйган болалар саҳнага чиқиб келадилар. Ва тарбиячининг берган саволларига жавоб беришади. Саволлар довлатимиз рамълорига доир тузилади. Шу йўсинда болалар қайси давлатда яшашларини, Юртбошимиз ким эканлигини, байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўладилар. Сценарий Ўзбекистонни мадҳ этувчи кўй-қўшиқлар билан якунланади.

Агар сценарий бироз мураккаброқ тузиб қўйилса, бола ўйиндан зерикиб қолиши мумкин. Роллар болани хаёл сўришга мажбур қилсин, чунки хаёл ва тафаккур боланинг бевосита гидрокини ва оғзаки йўл билан олган билимларини тўлдириб боради. Уйин давомида болаларнинг савол ва баҳслашувлари уларни синчковликка, ҳар хил деталлар билан қизиқишга ундайди. Ва болалар кўпроқ, ва аниқроқ билишга интиладилар. Бу эса боланинг онгини ўстиришга туртки бўлади.

Турмуш ташвишлари билан банд бўлган ота-оналар нисбатан биз кўпроқ болалар билан бирга бўлаемиз. Имконият ҳам бизда кўпроқ. Ота-оналар ва давлатимиз билан ишониб топширган форзаларимизнинг тарбиясида ҳеч қандай эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

**Каромат Исмаилов — Наманган вилояти, Чортоқ тумани халқ таълими бўлимининг мудири:**

— Конституция — бу бизнинг яшаш тарзимиз. Конституция ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати эканлигини, аҳамиятини болалар билиши керак. Босча ёшидаги болаларга бу оғирлик қилади, деган фикр ҳам йўқ эмас. Бу ҳам маълум маънода турғидир. Лекин йўлини топиш керак. Масалан, яқинда туманимиздаги 23-болалар босчасида болаларга йўл қодаларини қичик шеърлар ёрдамида ўргатдик. Ҳар бир бола бир йўл ҳаракати белгиси бўлиб, белги тилидан ўзини ва вазифасини



таништиради. Шунга ўхшаш бир йўл топиш керакики, Конституциямиз бир умрга болаларимизнинг онги-шуурида сақланиб қолсин.

Конституцияни ўрганиш бўйича туман халқ таълими бўлимида муайян тажрибалар бор эди. Фармойиш чиққач, бу борадаги ишлар янада кенгайтирилди, янги мазмун касб этди. Анкета саволлари тарқатилиб, тарбиячиларнинг асосий қонун бўйича билимларини синовдан ўтказдик. Мутахассислар ёрдамида уларни ўқитдик. Тайёрлов гуруҳлари болаларига Конституцияимизни қизиқарли тарзда етказиш учун дарс режалари ишлаб чиқилди. Шу қўнларда боғчаларо тарбиячилар ўртасида «Конституцияни биласизми?», болалар ўртасида «Ҳуқуқингни билиб ол» мавзусида кечалар ўтказишга тайёрларлик кўриляпти. «Ўзбекистон Ватаним маним», «XXI аср болалари» мавзусларида ўтказиладиган тадбирларда болалар ўзларининг Қомусимиз ҳақидаги саҳна кўринишлари билан қатнашадилар. Уларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган.

**Дилбар ТУРҒУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири, Инobat ЭГАМҚУЛОВА.**

**Иқтисодий билимлар оширилмоқда**

Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси Денов туманидаги «Хазорбоғ» ширкат ҳўжалигида жамоа ва ширкат ҳўжаликлари иқтисодчиларининг қисқа мудатли ўқувини ташкил қилди.

Ўқув учун айнан «Хазорбоғ»нинг танлангани бежиз эмас. Аввалдан машхўр бўлган йирик ва кўп тармокли ишбу ҳўжаликнинг иқтисодий салоҳияти кейинги йилларда, айниқса ошди. Ҳўжалик ҳар йили давлатга пахта ва галла сотиш бўйича шартнома режаларини узда-лаб келмоқда.

Оилавий пудратни жорий этиш борасида ҳам муайян тажриба орттирилган. Мазкур ҳўжалик тажрибасининг кенг ёйилиши вилоят кишлоқ ҳўжалик корхоналари иқтисодиётининг ўнгирилган эриши бўлиши мумкин.

Тўғри, ўн беш кунлик ўқув жараёнида кўп нарсани ўзлаштириш қийин. Аммо у ўз устида ишлашни унутган, янгиликларга беъэтибор, «қотиб қолган» айрим мутахассисларга яхшигина туртки бўлиши, бизор иқтисодиётдан сабоқ бериши, шубҳасиз.

Чорн ТўХТАЕВ,  
Ў.А. мухбири.

**Мальталиқ болалар туҳфаси**

Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида Оналар ва болалар йилига бағишлаб «Дунё — Мальта болалари нигоҳида» деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. Унда Мальта оролидаги олти-ўн етти ёшли иқтидор ағаларининг, шунингдек, ногирон ижодкор болаларнинг юзга яқин рангтаъбир асарлари намойиш этилмоқда.

Мальталиқ ёш расмлар ўз ўлкаларидаги бутунги ҳаёт тарзи, болаларнинг орзу умидлари, тинчлик, дўстлик туйғуларини ранглар воситасида ифодалашга қўл унатган. Кўргазма «Парвина» компанияси хомийлигида ташкил этилди.

Ўйгун РўЗИЕВ,  
Ў.А. мухбири.

**«Ватанпарвар» — чемпионлар мактаби**

Ўзбекистон Республикаси мудофасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантиришнинг ўтган йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш раиси, полковник А.Абдуқаҳоров бошқарди.

Анжуманда ўтган давр мобайнида бу борада муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Спортнинг ана шу турлари билан ҳозирда мамлакатимизда юз мингдан зиёд ёшлар шуғулланмоқда. Турт нафар халқаро тоифадаги ва 12 нафар Ўзбекистон спорт устаси, 120 спорт ҳаками ҳамда 72 мингдан ортққ разрядли спортчилар тайёрланди. 85 та республика ва вилоят мусобақалари ўтказилиб, уларда минглаб спортчи қатнашди. Жаҳон чемпиони А.Раъзмовский, Европа чемпиони М.Қондакова, Осиё биринчилигининг бронза медали соҳиблари В.Растринги ва Р.Галашапов бугунги кунда «Ватанпарвар» ташкилотининг фахри ҳисобланади.

Анжуман сўнгида «Ватанпарвар» ташкилоти: спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари кеча, бутун ва эртага» музейи очилди. Марказий Кенгаш хузурида фаолият кўрсатувчи «Матбуот клуби»нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ГЕН ИНЖЕНЕРИЯСИ — ГЕПАТИТГА ҚАРШИ**

ишлаб чиқаришга доир тўла техник-иқтисодий асос тайёрланди, технологик линияларда ишлайдиган ходимлар ўқитилди. Бугунги кунда янги дори Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори-дармон воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасида рўйхатга олинмоқда.

В гепатитга қарши вакцина ишлаб чиқишда ген-инженерия оқсиллари олишнинг жаҳондаги энг илғор — ипак курти асосидаги усулидан фойдаланилди. Олимлар В гепатитни вирусига қарши юқори иммуногенликка эга бўлган оқсилни синтез қилишга муваффақ бўлишди. У вакциналарга нисбатан қўйиладиган Бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига мувофиқ келади. Мутахассисларнинг фикрича, ипак курти личинкалари ишлаб чиқадиган оқсил сифати бўйича энг яхши хоржий намуналардан қолишмайди ҳамда касалликларнинг олдини олишга вакцина сифатида муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, энг асосийсини синов натижалари унинг токсик хусусиятлардан бутунлай холи эканлигини кўрсатди.

Ингилишда айтилганидек, республикамизда В гепатитга қарши диагностика препаратлари ҳамда вакцина яратилиши юртимиз олимларининг улкан муваффақиятидир. Бундан ташқари, тадқиқот жараё-

нида ген инженерияси усулида ипак куртининг вакцина учун зарур оқсилни мустақил ишлаб чиқара оладиган махсус, трансген тури яратилди. Бу ютуқлар Ўзбекистон илм-фан замонавий тадқиқот усулларига таянмаган улкан салоҳиятга эга эканлигиндан далолат беради. Олимларимиз ўзига хос биофабрика яратилди. Бугунги кунда дунёда бундай препаратларни ишлаб чиқарувчилар сонини бармоқ билан санари даражада. Демак, келгусида республикадаги талаб тўла қондирилганидан сўнг маҳсулотни четта экспорт қилиш мумкин бўлади. Дарвоқе, бизнинг диагностика препаратларимиз хоржиюкидан беш марта арзон.

Буларнинг барчаси Фан ва техника давлат кўмитаси томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган грантлар самарасидир. Ингилишда қайд этилганидек, олимлар ўз вазифасини адо этди, кейинги босқич — препаратларни оммавий ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан иборат бўлиб, қўшимча молиялашнинг талаб қилади. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ускуналар ва реактивлар сотиб олиш учун маблағ зарур. Олимларнинг фикрича, харажатлар тезда ўзини қоплайди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

А.ИВАНОВА,  
Ў.А. мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 30 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боржона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.\*

1 Австралия доллари	179,04	10 Люксембург франки	75,47
1 Австрия шиллинги	22,12	1 Малайзия ринггити	86,61
1 Англия фунт стерлинги	480,59	1 Германия маркаси	155,66
10 Бельгия франки	75,47	1 Польша злотийси	79,62
1 Голландия гульдени	138,15	1 СДР	426,39
10 Греция драхмаси	8,94	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	40,80	1 Финляндия маркиси	51,0
1 БАА дирхами	89,59	1 Франция франки	46,41
1 АКШ доллари	329,06	1 Швейцария франки	199,30
1 Миср фунти	85,03	1 ЕВРО	304,45
10 Испания песети	18,30	10 Жанубий Корея вон	2,57
100 Италия лираси	15,72	1 Япония иенаси	28,04
1 Канада доллари	218,79	1 Россия рубли	11,59
1 Хитой юани	39,75	1 Украина гривнаси	60,58

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Ҳикмат

Одоб ақлининг

ташқи кўринишидир.

Мактабда шахмат синфи

ёхуд голибга 40 минг сўм мукофот



Спорт

Бўйича бошлаган ишларимиз шу билан тугамайди...

Биринчи шахмат синфи очилганлиги муносабати билан...

Куни кеча Термиз шаҳридаги 93-мактабда биринчи шахмат синфи ташкил этилганлиги...

Озод БЕК, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ўттиз йилдан бери кулгуннинг қувисини пишиб, ҳажвнинг қимизини ичиб...

Мерган ёзувчи «Нобб нуска» ҳажвий комедияси ва уч юздан ортик ҳажвий асарлар муаллифидир.

Бу дунёда ўзгаларнинг гапини маъқуллаб яшасанг бошинг оғримайди...

МЕНГА НИМА?

Ҳажвия

ҳам кўзларига ёш олиб:

— Агар ҳамма сиздай муқимни юрак-юракдан ҳис қилганида...

— Вой хасис-ей! Ярим кило картошка, нари борса эллик сўм бўлади.

Унинг қаерларда бўлишини билмадим-у ammo мен унинг қалбидан жой олиб...

— Яна бир қўшнимнинг танглайи пул билан кўтарилган. Сандинга ўқитувчилик дипломини босиб қўйиб...

— Нимасини айтасиз, — дейди у куйиниб. — Кеча бир аёл тортган картошкам ярим кило кам чиққанига...

тарозида тортибди! Ярим кило кам бўлса, очинган дўрмидинг!

Кўшнимга қўшилиб ўша аёлнинг терисига тўпон тиқшига тушиб кетаман.

— Вой хасис-ей! Ярим кило картошка, нари борса эллик сўм бўлади.

Биримиз олиб, биримиз қўйиб, умуман, эллик сўми кераксизга чиқарамиз.

— Мендан нима кетди! Мақтов пул эмас, ҳамдандан чиқмайди.

— Мендан нима кетди! Қайинсинглим боғчага мудир.

— Боллайсиз! Ўт юраксиз! Иложини топсангиз, бола сонини юзга етказинг!



Муратбой НИЗАНОВ

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. АРХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавий ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ҳалқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибиёт — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 716, 30797 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВлар томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» ақшиёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6

Изма-из...

Наманганлик сохта тижоратчи Абдувоҳид Бойдалаев аллақандай йўللар билан той-той пахта толарини ташиб келиб...

Нафс бандалари

тарозига кўйсангиз 11 тоннадан кам чиқмасди.

Декабрнинг изгиринли тонгида оғир ҳовлисига 7400 НАЛ давлат белгилли «КамАЗ-53202» русумли юк машинаси кириб келди.


Зимдан олиб борилган қузатув давомида хабардаги гапларнинг ростлиги тасдиқланди.

май боравердилар ва кўшини республика чегарасига яқинлашганда машинанинг йўлини тўсиб чиқдилар.

Машина изига қайтишга мажбур бўлди. Солиқчилардан бири мийиғида кулиб қўйди.

Ушбу ҳолат юзасидан А. Бойдалаев ва К. Дадақоновга нисбатан Жиноят кодексининг 182-моддаси 1-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзга тиди.

Жасур НОСИРОВ.



Жумбоқ

Квадрат ташқарисидаги сонларни квадрат ичига шундай жойлаштирингки...

Кечаги жумбоқнинг жавоби: Миллон секунд 11 кун, 13 соат, 46 минут ва 46 секунддан иборат.

Демак, Музаффарбек қўл соатида батарея қўйсанига бир ҳафтадан кўпроқ бўлган.

Буғунги қахрамонимиз яна букалик Абдуҳай Шотемиров!

ЧП «ХАМИРАЕВ А.Р.» ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ, КАНЦЕЛЯРИЯ ТОВАРЛАРИ, МОТОР МОЙЛАРИ ва ФИЛЬТРЛАРИ. Тел: 50-94-92, 30-83-54.

«Лак колор ешитез» Кўшма Корхонаси республикада ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади. Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар! Қурилиш эҳтиёжлари учун: Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари...

АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОР» БАНКИ. акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини 2001 йил 1 март куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 47 - уйда жойлашган «Ўзбектуризм» миллий компанияси мажлислар залида бўлишини маълум қилади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ. Сиз азияларни 2001 йил 12, 19 феврал кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, республика илмий техника ахбороти фонди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Темир Усмоновга воқидан муҳтарамаси ШАРИФА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.